

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмиirlарининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бўшлаган

№ 85 (6827)
1997 йил 1 ноябрь шанба

Сотувда эркин
нарҳда



1-синфнинг биринчи таътилида мазза қилиб дам олами.

ИСТИҚБОЛИМИЗ, ИСТИҚЛОЛИМИЗ

«Давлат тили» ҳақидаги қонуннинг саккиз йиллиги нишонланган кунларда бизнинг мактабимизда ҳам катта байрам бўлди. Шу куни Алишер Навоийнинг машҳур асарларидан на муналар ўқиб, Узбекистоннинг истиқболи, истиқлолининг меваси ҳақида қўшиқлар кўйлаб, рақсга тушдик.

Тип байрами сабаб қалбимизда ватанпаварлик, миллӣ ғурӯр туйғулари осмон қадар юксалди.

Клара АБДУЛЛАЕВА,
Тошкентдаги
134-мактаб

ОНА ТИЛИМ — ДОНО ТИЛИМ

Буюк алломаларимизнинг тил ҳақида айтган доно ҳикматлари билан бошланган мактабимиздаги «Тилбайрами» муршида, қўшиқ ва уйинларга уланиб кетди. Узбек тилига давлат мақоми берилганига саккиз йил тўлиши муносабати билан ўтказилган «Она тилим — доно тилим» мавzuидаги адабий кечага ғоят сермазмун, эса қоларли бўлди.

7- «А» синфнинг она тили ва адабиёти тўграги аъзолари иштирокида ширинсўзлик мавзусидаги саҳна кўрининиши кечага янада файз ки-

ритди. Унда Шоира Бердиева, Шаҳноза Тўқлибована каби ўқувчилар фаол иштирок этишди.

Феруза Тошқулова

«МЕҲРЖОН» БАЙРАМИ

Хар йили куз фасли келиши билан мактабимизда «Меҳржон» байрамининг ўтказилиши одат тусига кириб қолди. Бу йил ҳам анъанавий «Меҳржон» байрами биз болалар учун зўр тантана ва завқ билан ўтди. Бир ҳафта давом этган мазкур байрам ҳар куни бизга оламолам шодлик ва қувонч келтирди. Куз неъматларидан тайёрланган таомлар куригида 6 - «А» синф ўқувчilarининг қули баланд келган булса, расмлар чизиш кў-

Бир мактабдан икки хабар

ригига опа-сингил Феруза ва Дилдора Раҳматоловлар, куз таомлари тайёрлашда Шоҳида Абсатоловлар голиб деб тан олинди.

Мактабимизда «Меҳржон» байрамининг биз болаларга йил бўйи завқшавқ билан татишида ўқитувчиларимиз Гулсара опа Турсунова, Гулноза опа Бўлтакова, Барно Ортиқбоеваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бизга қувонч келтирадиган ана шундай байрамларимиз ҳамиша бор бўлсин!

Ёрбек САЙДБЕКОВ,
Сирдарё вилояти Ш.
Рашидов туманидаги
6-мактаб

Обуна-98

МУЖДА

Бизнинг 28-мактаб жамоаси 1998 йил учун обуна режасини октябрь ойининг биринчи ярмidaеқ бажаришга эришиди. Ахил жамоамиз жами 14 нусхада 31 минг сўмлик газета ва журналларга обуна бўлди. Мактабимизнинг билимга чанқоқ ўқувчи — ўқитувчилари барча газета ва журналлар қатори севимли газеталари «ТОНГ ЮЛДУЗИ» ни келгуси йилда ҳам мунтазам ўқидиган булишди.

Роҳат РАҲМОНОВА,
Бухоро вилояти
Фиждувон тумани
«Зарафшон» жамоа
хўжалиги



ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Сўлим боғимиздир — Ватан,
Қорли тоғимиздир — Ватан.
Болаликнинг қучогида
Кезган чоғимиздир — Ватан.

Ватан дилларга бойланган,
Қарочигларга жойланган.
Тикиб кўз эзгу мақсадга
Баланд парвозга шайланган.

Юртим, деб қуйиб яшаймиз,
Мехрини туйиб яшаймиз.

Шу буюк Турон Заминни
Жон -дилдан суйиб яшаймиз.

Ҳали ёшмиз, шўх боламиз,
Гоҳида шовқин соламиз.
Лекин буюк элнинг юкин
Албат елкага оламиз.

Ўзбекистон, бу — буюк юрт,
Хирмонида барака, кут,
Шундай гўзал хур диёргинг
Тупроғини кўзингта сурт.

Мирза ҚАЙНАРОВ

Кувонч


ЮРТИМИЗ ШУҲРАТИ

Мустақил Узбекистонимиз номи Руслан Чагаев сабаб яна жаҳонга овоза бўлди. У Венгрияда булиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалини қўлга кириди, яъни шувақтacha беш марта жаҳон чемпиони бўлган кубалик Феликс Савонни сенди ҳамда Узбекистонда унинг каби баҳодирлар ҳали кўп эканини асн этди!

Машҳур боксчимиз Артур Григорян эса шу йилниг юнг октябрь ойи давомида бешинч галабасини қўлга киритиб, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан мукофотланди. Руслан ҳам «Ўзбекистон белгиси» нишонини олди. Унга Президент номидан «Нексия» автомобилининг калити ва пул мукофоти топширилди.

— Мен Ватаним шуҳратига шуҳрат қўшганимдан хурсандман. 2000 йилда Сиднейда буладиган ёзги Олимпиададан ҳам галаба билан қайтиш учун бор кучимни сарфлайман, — леди ҳаяжон билан боксчи.

19 ёшида юртимиз шаъни учун курашган ва галаба қозонган Русланга омад ёр бўлсин!



Пахтачилик — халқымизнинг азалий касби. Урта Осиёда пахтачилик VI асрдан бошланган, деб ҳисоблашарди. Сунгти йиллардаги археологик қазувларида тошилган чигитлар ва ипдан түкилган матолар юртимизда пахтачилик эрамиздан ҳам

ПАХТАМИЗ ҲАҚИДА


олдинроқ пайдо бўлганлигидан гувоҳдир.

Пахтанинг ватани — Мексика у кўп йиллик ўсимлик булиб, 5-6 метрлик дараҳт сифатида ўсади. Шунаقا гузалар ҳам борки, бўйи ятни ярим метргина. Баъзи бир гузаларнинг кўсаги олчадек бўлса, бошқаларники нақд тухумдек келади.

Одамлар ўсимликларнинг пўстлоги ва толасидан арқон ва ип тўкишни тош асрида ёк билганлар. Демак, пахтадан ўша даврда ҳам фойдаланилган, деб тахмин қилинади.

Ғуза барглари қизгиш булиб, қонни эслатгани учун Африка ва Ҳиндистондаги баъзи халқлар бу ўсимликни муқаддас деб билганлар. Ҳинд брахманлари ибодатхоналар атрофига гўза экишган. Пахта толасидан тўкилган «хосиятли» ипдан тоат-ибо-

дат пайтида фойдаланишган. Африка гўзаси Занжирбор ва эҳтимол, Ҳабашистон орқали аста-секин шимолга силжиб, Эрон орқали Урта Осиёга ўтган. Бу гузани Фарбга араблар ейган. Улар 711-718 йилларда Пиреней ярим оролини босиб олиб, пахтанинг



ПАХТА ТЕРДИК

— Оқ пахталар очилган пайт
Чиқсанми теримга айт, —
Дея келди дустим Фурқат,
Этак олиб ушал фурсат.
Бордик дала — оқ денгизга
Хеч ҳожат йўқ гапу сугза.
Кесмалардек суза кетдик,
Этакларни слкан этдик.
Елкан тўлса шамол билан,
Этак пахта иқбол билан —
Тулди. Олдик слкамизга,
Ва топширдик улкамизга!
Ўта БЕРДИЁР

НИМА БИЛАМИЗ?

Урта денгиз соҳили бўйлаб Сицилиядан Испаниягача ёйилишига сабабчи булиши.

Ҳиндихитой гўзаси Ҳимолай ва Ҳиндикуш тогларидан Жанубга томон — Ҳиндистон ва Ҳиндихитой ярим оролларига тарқалди, ундан Жанубий Хитойга ўтади.

Америка қитъаси кашф қилиниши биланоқ европаликлар нигоҳи тушган биринчи ўсимлик пахта булади. Христофор Колумб 1492 йилда Сан-Сальвадор орлига дастлаб келганида унга ҳиндулар пахта совға қилишган экан.

A. ЖАББОРОВ

нақа чиройли булиб очилганни, кўриб ҳавасингиз келади. Далага худди қор ёқсанга ухшайди. Опам менинг ҳам белимга кичкинагина этакча

Бутун дам олиш куни... Ҳовлимизга маккажухори, помидор, бақлајон эккан ёдик. Менинг бугунги юмушим шулар

КАЧОН ЯКШАНБА КЕЛАДИ-А?



теришгә қарашганим яхши, деб йўлга отландим.

...Йўлдамиз. Телевизорда пахта курсаткичларини курсатаётганда севиниб, менинг ҳам улущим бор, мен ҳам пахта хирмонига ўзим терган пахталарим билан оз булса-да, хисса күшганман, дея фахрланиш учун йўлга отландим. Мен бунаقا булади, деб ҳечам уйламагандим. Чунки, бу менинг биринчи марта пахта майдонига боришим эди-да. Далада пахталар шу-

осиб кўйдилар.

Опамни мақтаб гапиргандарини анчдан буён эшитмаган эдим. Шу куни опам дутоналари орасида энг илгори деб топилибдилар. Опамнинг менга қилаётган меҳрибонликларини кўриб, «яна қачон якшанба келаркин-а», деб уйладим.

**Хусниддин
ХАЙДАРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти
Шўрчи тумани**

Бекатда такси кутиб турган эдим, қаршимига оппоқ «Волга» келиб тўхтади. «Кимга тўхтади?» — деган хаёл билан ён-веримга қарадим. Мендан бошқа ҳеч ким йўк.

«Вой, бу синдош им Эрйигит-ку!» уни учраттанимдан хурсанд бўлиб кетдим.

Эрйигитнинг икки ўғли, иккни қизи бор экан. Узи катта бир заводнинг директори, яқинда эса пластмасса буюмлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуришгаётган экан. Бошқа синфошларимиз ҳақида ҳам севиниб, қай бирининг ҳастидан бир оз қайгуриб сўзлаб берди. Мен эса беихтиёр улар билан ўтган болалик ва мактаб даврининг ҳаёлларига шунгигиб кетдим. Лекин, бир воқеа ёдимга тушгач, хижолат ва армоннинг

Сабоқ

тига қўйиб кетди. Шучоқ унинг кўзига кўзим тушиб қолди. Ноҳози тикилган беозор кузларида ёш қалқиб турар эди. Йигламади холос. Бунчалик булишини кутмаган эдим. Садқаи-сар эди уша жадвал. Шу воқеадан сунг бир неча кун ўтди. Уйимизда дарс тайёрлаб ўтирган эдим, ашула дафтари орасидан мен йўқотган ўша жадвал чиқиб қолди. «Вой улмасам, энди нима қиламан?» Булиб ўтган воқеадан кейин синфошлариминг ўша кунги ҳолатига раҳмим келди. Кейин жадвални унга қандай қайтариб берсам экан, дея ўйладим. Ўзига олиб бориб, кечирим сўраб қайтариб берсамми-

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

қизиган капири дилимни жазиллатиб яна бир ағдарди. Тафтидан юзим ловиллаб кетди.

Ушанда бешинчи синфда ўқир ёдик. Менга тогам икки хил тасвирда товланадиган карара жадвалини совға қилган эдилар. Бир куни ўша жадвални йўқотиб қўйдим. Жуда хафа бўлдим. Чунки унақаси ҳеч кимда йўқ ёди. Орадан қанчадир вакт ўттач, синф раҳбаримиз ўтадиган математика дарсида ўша жадвални Эрйигит қўлида кўриб қолдим. Дарс чорига ёнимда ўтирадиган дугонамнинг «маслаҳати» билан ўйламай-нетмай муаллимимизга айтиб бердим. Синфда энг аълочи, одобли ўқувчилардан саналар эдим. Муаллим Эрйигитта: «Уялмайсанми, қани жадвални эгасига қайтариб бер», — дедилар.

«Бу жадвал Гулноранини эмас, менини — узимни» деб тушунтира бошлади Эрйигит. Муаллимимиз унинг гапига қулоқ ҳам солмай, яна: «Жадвални эгасига қайтариб беру, кечирим сурало!» деди. Бошқа чораси қолмаган синфошларим жадвални олиб келиб, партамнинг ус-

Дилором МУРОДОВА

Мутолаа

НИКОYAT

Birdonishmand farzandlariga shunday pandu nasihat qilardi: «Aziz o'g'llarim, hunar o'rGANINGLAR, zeroiki, moli dunyoga e'timod yo'q va oltin-kumush xatarlidir. Qaroqchi o'g'irlab ketadi yoki egasi eb-ichib tamomlaydi. Ammo hunar qaynar buloq, tunganmas davlatdir. Agar hunarmand molidan mahrum bo'lsa, qayg'usi yo'qdir, chunki hunarning o'zi davlatdir. Hunarmand qayerga borsa, qadrlanadi va uyning to'ridan joy oladi. Hunarsiz odam esa hamisha mashaqqat chekadi, tilanchilik qiladi».

Kimga yoshligidan berilmas odob,

Ulg'aygach bo'ladi baxtsiz, dili g'ash.

Ho'l novda egilar qay xilda egsang,

Quruqni to'grilar faqat o't, otash.

**Shahnoza MUHAMMADIYEVA,
Toshkent shahridagi 40-o'rta maktabning
10-sinf o'quvchisi**



—Дарсни тайёрлаб келсан бўлар экан

Р.АЛЬБЕКОВ фотолавҳаси



Азиз болалар! Эл севганинда, Республикада хизмат курсатган артист Султонпаша Удаевининг асли касби ўқитувчилик эканини ҳаммандигиз яхши биласиз. Ўқингчи, санъат осмонини ҳам ўзига хос овоз билан безаётган бу опангиш нималар деркин?

— Болалик — умринг чақмок онидир. Ҳеч қачон орта қайтмайдиган болалик ҳақида нима дейсиз?

— Эҳ, қанийди, бир дақиқа булса ҳам болаликка қайтсан, дунёга болаликнинг мусаффо кўзлашри билан боқсан! Мен ҳамиша қадим Хоразмнинг Янгибозорида, унинг бепоён чулларида қолиб кетган бегим болалигимни соғиниб ўшайман. Ота-онам оддий кишилар эди. Ўйимизда гарчи мол-давлатдан ҳеч вақо бўлмаса-да, патефон, граммофон ва радио-приёмниклар бизнинг ноёб «мұлқи»миз эди. Уларни куз қорағимиздек асрардик. Боиси, оиласиздагилар санъатни севишарди. Тонгда қушиқ билан ўйониб, тунда қушиқ билан ухлардик. Кўзларимиз осмонида оҳанг билан тонглар отиб, қушиқ билан кунлар ботарди.

Ҳали мактабга бормайдиган кичкинагина қизалоқ эдим. Да-дам иккаламиз мол боқсанни да-штга чиқардик. Дадам то аравада кета-кеттунча Фузулидан, Шайх Саъдийдан газаллар айтиб, менга уларни таржима қилиб кетарди. Да-штта боргандан сунг молларни узоққа — күмтепалар орасига ҳайдаб кетардим-да, дадамдан эшитган қушиқларимни овозимни баралла қўйиб айттардим. Саксовуларнинг повуллапши-ю кум тепаларнинг залвори юрагимга беҳад илҳом берарди. Узимни гуё катта саҳналарда тургандек хис қиласми.

Мактабга борганимдаги бир во-

хурматсизлик деб тушунган Солия опам: «Султон, ё сен қушиқ айт, ё мен дарс утай» дедилар. Мен эса буни ростга йўйиб доскага чиқиб, «Онам дерман»ни худди узидан оҳангларга солиб айтди. Уларни куз қорағимиздек асрардик. Боиси, оиласиздагилар санъатни севишарди. Тонгда қушиқ билан ўйониб, тунда қушиқ билан ухлардик. Кўзларимиз осмонида оҳанг билан тонглар отиб, қушиқ билан кунлар ботарди.

— Илк бор катта саҳнага чиқанингизда мактабда ўқирдингиз. Сизни саҳнага етаклаган устозининг ҳақида ганириб берсангиз. Кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Бугун санъаткор сифатида нимага эришган бўлсан, ҳаммаси учун авваламбор дадамдан миннатдорман. Чунки юрагимда санъатта бўлган улкан меҳни у

киши ўйготганлар. Катта саҳнага чиқишимида эса мактабдаги музика ўқитувчим Ҳожибой Нисонбоев ёрдам берганлар. Устозларга келсақ, Коммуна Шерматов, Берта Давидова ва Шермат Файзуллаевларни узимга устоз деб билади.

— Султонпаша опа, сиз ҳалк сийган санъаткорсиз. Бугун сизнинг «Онажон», «Азизим», «Оқ

одамзотнинг фожеаси деб билади. Унинг ўзиги ўқитувчиликни ўқитувчиларни сифатида катта байрам қилинди. Фурслатдан фойдаланиб ҳамкасларингизга қандай тилакларнинг бор?

— Мен улкамиздаги барча муаллимларга ҳалқимизнинг кунгил кўзларини, руҳиятини ўйготишидек муқаддас ишларида ривож тилайман. Зоро, кунгил кўзлари очик, руҳияти ўйғок ха-

«Ё СЕН ҚУШИҚ АЙТ, Ё МЕН ДАРС УТАЙ...»

илон», «Бу дунё мендан ҳам, сендан ҳам қолар» каби ўнлаб қушиқларингизни, хоразмча термаларингизни жон қулоги билан берилиб тинглайдиганлар бехисоб. Лекин асли касбингиз ўқитувчичи эканлигидан хабаримиз бор. Айтингчи, ҳар бири эгасидан алоҳида фойлийликни талаб қиладиган бу иккала касб бир-бирига ҳалақит бермайдими?

— Албатта, иккаласини ҳам бирдек олиб кетиш жуда қийин. Қоловерса, синглим, менинг бошимда фақат санъат ва ўқитувчиликдан бошқа ташвишлар ҳам анчагина. Оналиқ, бекалик деганларидек... севимли шоирамиз Мукаррама Муродованинг қўйидати сатрларини эслаб қўяман, гоҳо.

«Ай эмас оима бўлмаса аёл, Ай эмас ижоди топмаса камол.

Аммоким оналиқ, ёр, бекаликни.

Уддалай олмаса кечирилмас ҳол.

— Энг севгани қўшиғиниң қайси?

— Менинг энг севгани қуши-

— Инсон ҳаётда ўзи истаса-истамаса, кўн нарсаларни йўқотади. Сиз энг оғир йўқотиш деб, нимани тушунасиз?

— Менбарча йўқотишлар орасида инсоннинг ўзини, узлигини йўқотишни энг оғир йўқотиш деб, наинки йўқотиш, балки

ленинг тафаккури ҳам ўйғок бўлади. Ўйғоқ тафаккури инсон эса руҳий заминдаги ҳамма нарсаданди юксакдир.

Илоҳим ҳаммамизга мана шу юксаклик насиб қилисин.

Сұхбатдош Санобар МЕХМОНОВА

дирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг ҳалқ мусиқаси факультетида сиртдан таълим олиши билан бирга «Илҳом» гурухи билан муайян режаларни амалга ошириш учун изланишлар олиб бораётir.

Илҳом ҳозир Абдулла Ко-

Маъмур РЎЗИЕВА



Мен таринигизни чаламан, қанди бошладади!

ИЛҲОМЖОННИНГ ИЛҲОМИ

ни ўзига хос майнин, ширили овоз, самимий ижроси билан забт эта олди.

«Камолот-89» республика курек-танлови Илҳом Фармонов учун унутилмас бўлди. Кўрикнинг «Энг ёши қатнашчиси» совринига лойиқ деб топилди. «Сенмидинг» қушиғи Илҳомжонни элга янада танидти. Таникли санъаткор Несъматжон Қулабдуллаевининг ўғли — Хайрулла Қулабдуллаев сўзи ва мусиқаси бўйича дунёга келган

бу қушиқ туфайли муҳлислар ўзига хос ижро услуби шаклланётган хонандада майдонга чиқаётганинг ҳис қилишибди. Бирин-кетин «Қора куз», «Лайло бўлдинг», «Онажонинг рози қили» каби дилбар қушиқлар хонанданинг тинмай изланаёттанидан далолат берди. Айниқса, унинг ижросидаги «Онажонинг рози қили» қушиғига каттаю кичикка маъқул тушди. Илҳом

Фармонов вафо, ахлоқ-одоб, меҳр-оқибат мавзуларида янги қушиқлар вукудга келиши учун тинмай изланаотди. Китоблару журнallарни ўқиб боради, ўзига маъқул шеърларни олиб қўяди. Бу борада дадаси Шомурод Фармонов ҳам ёрдам бериб турди. Илҳомжоннинг репертуарида унинг шеърлари биланайтиладиган қушиқлар талайтина. Шунингдек, «Илҳом» мусиқа гурӯҳи ҳам хонанданинг ёнида ҳамсоз, ҳамнафас. Гу-

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кучаси,
32-йи.

Нашр курсаткичи: № 64563

Телефон:

• 1-33-44-25

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: УмидАБДУАЗИМОВА
Тахрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулно-
ра ЙУЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАЗИМОВ, Муҳимжон КИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕ-
ТОВ, Феруза ОДИЛОВА.